



International Journal of  
**Philosophical Studies  
and Social Science**





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI  
IMOM BUXORIY XALQARO ILMIIY-TADQIQOT MARKAZI

**«International Journal of Philosophical Studies  
and Social Sciences»**

**«Международный журнал Философских Исследований  
и Социальных наук»**

**«Фалсафий тадқиқотлар ва Ижтимоий фанлар халқаро  
журнали»**

*Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, фалсафий-илмий журнал*  
2024, Vol.4, Issue 4



**Муассис**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом  
Бухорий Халқаро илмий-тадқиқот маркази**

**Interscience-service MCHJ**

**«International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences»**

**ISSN-E: 2181-2047, ISSN-P: 2181-2039**

**Table of Content - Volume 4 | No 4 (2024)**

| <b>№</b> | <b>Paper Title</b>   | <b>Author name</b>                     | <b>Page number</b> |
|----------|--|--|--------------------|
| 1.       | Ashtarxoniylar sulolasi davlat boshqaruviga doir tadqiqotlat tahlili                                 | Sangirov Jumaniyoz<br>Alijon O‘g‘li    | 1-14               |
| 2.       | Oiladagi farzandlar tarbiyasida ma‘naviy-axloqiy qadriyatlarining ahamiyati                          | Madraximov Jahongir<br>Botirjon O‘gli  | 15-20              |
| 3.       | Xotin-qizlarni kamsitilishiga barham berish- gender tengligini ta‘minlash omili                      | Samanova Shaxlo<br>Boxtiyarovna        | 21-25              |
| 4.       | The responsibility of young entrepreneurs in civil society   | Siddikov Nurali<br>Nishonalievich      | 26-32              |
| 5.       | Samarqand davlat muzey-qo‘riqxonasining Temuriylar davriga oid arxeologik kolleksiyalari             | Suxrob Eshpulotov                      | 33-44              |
| 6.       | Council of the historical period teaching, methodological and educational-style essential tendencies | Narmanov Feruz<br>Asfandiorovich       | 45-49              |
| 7.       | Bilimlarning jamiyatga ta‘sirining texnologik jihatlari  | Akhmedova Dilafruz<br>Kudratullayevna  | 50-54              |
| 8.       | Repression of the muslim clergy during the popular uprising of 1919 in Karakalpakstan                | Zinatdinov Nuratdin<br>Kobeysinovich   | 55-61              |
| 9.       | Samarqand davlat muzey-qo‘riqxonasining noyob numizmatika kolleksiyasi xususida                      | Davron Islamov                         | 62-67              |
| 10.      | Yusuf Xos hojibning davlat qurilishi konsepsiyasining ijtimoiy-falsafiy jihatlari                    | Asror Muhamedov                        | 68-73              |
| 11.      | Ahmad Donish ijtimoiy-falsafiy qarashlarining gumanistik mohiyati                                    | Bozorov Shukhrat<br>Salaydinovich      | 74-78              |
| 12.      | Davlat fuqarolik xizmatchilari kasbiy ma‘naviyatini rivojlantirish masalalari                        | Ismailov Dilshod<br>Baxriddinovich     | 79-84              |
| 13.      | Relations between the kokand dynasty and the Ottoman Empire  | Juliboyev Alimardon<br>Abdulmajidovich | 85-88              |
| 14.      | Navoiy shahrida ekologik holat va atrof-muhit  | Ismatilloeva Zarina<br>Ismatillo Qizi  | 89-95              |
| 15.      | B.X.Karmisheva tadqiqotlarida hunarmandchilik masalasi   | Tag‘bayev Amirbek                      | 96-102             |
| 16.      | Oilada muomala madaniyatini rivojlantirishda oilaviy qadriyatlarining ahamiyati                      | Egamberdiyeva Nafisa<br>Mustafayevna   | 103-106            |
| 17.      | Bakalavr-xonandaning xonandalik ko‘nikma va mahoratlarini mustahkamlash omillari                     | Maxfuza Karimova                       | 107-114            |
| 18.      | Essence of the tajalli concept   | Navro‘zova Gulchehra<br>Nigmatovna     | 115-119            |
| 19.      | Mifologik tafakkurning xususiyatlari: ratsionistik va sensualistik yondashuvlar                      | Allayarova Marhabo<br>Mavlonovna       | 120-124            |
| 20.      | Similarities of historical metrology of turkic-speaking nations                                      | Nihola Narzullaeva                     | 125-129            |
| 21.      | Analysis of information about Husayn Bayqaro's   | Sherzod Jurayev                        | 130-135            |

|     |  |                                       |         |
|-----|--|---------------------------------------|---------|
|     | childhood  |                                       |         |
| 22. | Ommaviy axborot vositalarida axborot erkinliklarini ta'minlashning muhim jihatlari   | G'ofur Donoboevich Shodiyev           | 136-142 |
| 23. | Axborotlashgan davrda axloqiy qadriyatlar  | Primov Baxriddin Abdiraxmonovich      | 143-148 |
| 24. | Rossiya imperiyasining mirzacho'l vohasida boshqaruv siyosati  | Tursunova M.                          | 149-154 |
| 25. | Sources of the kokand khanate period and their study   | Juliboyev Alimardon Abdulmajid O'g'li | 155-160 |
| 26. | Inson va tabiat uyg'unligining ekzistensial tahlili  | Samanova Shakhlo Bokhtiyarovna        | 161-168 |
| 27. | Social and personal characteristics in the dialectic of optimism and pessimism   | Abilov Orol Murodovich                | 169-180 |
| 28. | The idea of possible worlds and space-time picture of the universe   | Turaev Baxtiyor Omanovich             | 181-188 |
| 29. | Formation of industrial workers and personnel of enterprises: problems and consequences (1925–1991)  | Bekzod Mamatqulov                     | 189-195 |
| 30. | Conceptual aspects of social support for youth   | Umidulla Sattarov                     | 196-204 |
| 31. | Economic and political measures for the specialization of Uzbekistan as the main cotton base and its consequences                                | Abbos Qurbonov                        | 205-210 |
| 32. | Measures to incentive teachers in the southern regions during the years of independence  | Sharopova Nigora Akbarovna            | 211-217 |
| 33. | Reform and results of the medical education system in the new Uzbekistan   | Toshpo'Latov Bekzod Shuxratovich      | 218-223 |
| 34. | Toward the history of archaeological research in Samarkand province (late XIX - early XXI century)   | Makhmudkhon Yunusov                   | 224-237 |
| 35. | Socio-economic factors of effective organisation of property and entrepreneurial activity in the process of reforms in the process of reforms    | Khamrayev Siroj Abruevich             | 244-250 |
| 36. | Social essence of conflicts in the time of Mirza UlughBeg  | Jo'rabekov Abduhalil Jo'rabekovich    | 251-254 |
| 37. | Manifestations of the social and political activism of young people in the political practice of the new Uzbekistan                              | Khamrayev Siroj Abruevich             | 255-259 |
| 38. | A look into the history of the criminal courts' activities in the Kashkadarya region   | Eshimov Shakhridin Khudjayorovich     | 260-265 |
| 39. | Primary measures implemented in the field of human resources in the judicial system of the republic of Uzbekistan                                | Mahkamov Abdiqayum Mahkamovich        | 266-271 |
| 40. | Trade, economic, scientific and technical cooperation between Uzbekistan and India   | Rano Asadova                          | 272-276 |
| 41. | Philosophical principles of the concept of social protection   | Jumayev Oybek Matatovich              | 277-285 |
| 42. | Bronze cauldron of the XII-XIII centuries, and its historical significance (based on the materials of the state museum of history of Uzbekistan) | Tokhir Norkobilov                     | 286-292 |

|     |   |                                      |         |
|-----|---|--------------------------------------|---------|
| 43. | The role and influence of Uzbekistan in the development of the Central Asia region  | Shukhrat Abdulazizovich Khaydaraliev | 293-301 |
| 44. | Military situation in the emirate of Bukhara (based on materials from the newspaper “Hurriyat”)   | Nosirov Sherzod O‘ktam O‘g‘li        | 302-305 |
| 45. | Jamiyatning siyosiy-huquqiy madaniyatlari ijtimoiy hayotining madaniy sohalariga nisbatan boshqarib va tartibga solib turuvchilik qonunlari | Quchqorov Javlon Suyundik O‘g‘li     | 306-311 |
| 46. | Formation of the tourism industry in Uzbekistan during the soviet period and ideological barriers   | Bo‘stonova Zilola Bo‘ston Qizi       | 312-318 |
| 47. | Socio-philosophical analysis of islamic rationalism   | Ulug‘murodov Elyor Saydulloyevich    | 319-322 |
| 48. | Preserving uzbek family traditions: adapting heritage for modern society stability  | O‘Rolova Feruza Anqaboy Qizi         | 323-329 |
| 49. | Formation and importance of museum pedagogy in the world  | Ibadov Ilkham Sadikovich             | 330-340 |
| 50. | Participation of public relations in the social and spiritual environment   | Ahrorova Shahlo O‘rinboyevna         | 341-345 |

NAVRO'ZOVA  
GULCHEHRA  
NIGMATOVNA

ТАЖАЛЛИ ТУШУНЧАСИНИНГ  
МАЗМУН-МОҲИЯТИ

СУТЬ КОНЦЕПЦИИ ТАДЖАЛЛИ

ESSENCE OF THE TAJALLI CONCEPT



Professor of the "Social  
Sciences" department of the  
Bukhara Institute of  
Engineering and Technology,  
doctor of philosophy

**Аннотация:** Мақолада Нажмиддин Кубро ва Баҳоуддин Нақшбанд рубойларида тажалли тушунчасининг мазмун-моҳияти манбалар асосида таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, ишқ, тажалли, мастлик, хушёрлик, Оллоҳ жамоли.

**Аннотация:** В статье на основе источников проанализировано содержание понятия таджалли в рубаи Наджмиддина Кубро и Баҳоуддина Нақшбанда.

**Ключевые слова:** Наджмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, ишқ, таджалли, опьянение, трезвость, божественность.

**Abstract:** The article analyzes the content of the concept of tajalli in the Rubai of Najmiddin Kubro and Bahouddin Naqshband on the basis of sources.

**Keywords:** Najmiddin Kubro, Bakhauddin Nakshband, ishq, tajalli, intoxication, sobriety, Divine face.

*Published under peer review:  
Doctor of Political Science,  
Associate Professor  
Mansur Musaeu,  
UZBEKISTAN*

**Кириш.**

Инсоннинг маънавий камолоти ҳозирги кунда долзарб масаладир. Зоҳирпарастлик, моддиятга берилиш жамиятда инсон қадрига номақбул муносабатларни шаклланишига сабаб бўлмоқда. Ҳолбуки ҳақиқий инсон зоҳири эмас, ботини билан гўзалдир. Инсон ботини, ички оламини тадқиқ этишда тасаввуф фалсафасининг ўрни каттадир. Мустақиллик даврида фалсафанинг бу соҳасига эътибор берилди бошланди. Инсон қалби, маънавияти ва моҳиятини ўрганишда тасаввуфий рубойларнинг аҳамияти бениҳоя катта. Кубравия таълимотининг асосчиси Нажмиддин Кубро ва Нақшбандия камолот йўлини машҳур этган Баҳоуддин Нақшбанд рубойларидаги фалсафий моҳиятни очиб бериш долзарб масаладир.

**Адабиётлар таҳлили ва методология.**

Нажмиддин Кубро рубойлари сақланганлигини шарқшунос олимлар аниқлаганлар [6]. Бу рубойлар асл форсий тилидаги нусхасида жамланиб, ўзбек тилига ўгирилиб, рисола ҳолида нашр этилган [9]. Рубойлар мазмун-моҳиятига қараб ўзбек тилига таржима этилган [7,8]. Тадқиқотларимиз натижасида Баҳоуддин Нақшбанд рубойлари жамланган асарни топишга

муяссар бўлдик [1]. Бу рубойларни асл форсий тилидаги араб ёзувидаги кўринишини сақлаган ҳолда кириллча ёзувга ўгириб, китобхонлар эътиборига ҳавола этдик[3]. Баҳоуддин Нақшбандга бағишланган манбаларда [2,4,5,25,28,29] рубойлар борлиги кўрсатилган бўлса-да, уларнинг миқдори жуда озлигини аниқлаган эдик. Баҳоуддиннинг янги топилган рубойларини маълум миқдорда таҳлил этишга ҳаракат қилдик[16-23]. Тасаввуфшунос олим Сайфиддин Сайфуллох Баҳоуддин Нақшбанднинг 5 та рубойиси ҳақида маълумот берган [27]. Нажмиддин Кубро ва Баҳоуддин Нақшбанд рубойларини киёслаб, умумий ва хусусий томонларини аниқлаб, мазмун-моҳиятини герменевтик услуб асосида ўргандик.

#### **Муҳокама.**

Тасаввуф таълимотининг асосий тушунчаларидан бири тажаллидир. Тасаввуфшунос олим Иброҳим Ҳаққул томонидан тартибга келтирган тасаввуф истилоҳлари луғатида тажалли тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: “Тажалли-илоҳий файзнинг солиҳ кўнглида зухур айлаши, ғайб нурларидан пайдо бўлган ҳол” [26:242]. Тажалли икки қисмдан иборатдир: 1. Рухоний тажалли. 2. Раббоний тажалли. Бу ҳам иккига ажралади: 1. Улуҳият тажаллийси. 2. Рубубият тажаллийси. Буларнинг бири Муҳаммад, иккинчиси Мусо пайғамбарга тегишлидир. Демак, Оллоҳнинг жамолу жалоли борлиқда зоҳир бўлади ва бу инсон қалбида тажалли этади.

Илоҳий тажалли таъсирида ҳақиқат йўлидан бораётган толиб ишқ шаробини ичгандай бўлади. Тасаввуфда ҳақиқатга етишишнинг икки йўли мавжуд: Боязид Бастомий асослаган мастлик, хушсизлик, фано бўлиш йўли ва Жунайд Бағдодий асослаган хушёрлик йўли [24:14-18].

Нажмиддин Кубро рубойларида илоҳий ишқдан маст бўлган ошиқ қуйидагича тавсифланган:

زان باوه نخورده ام که حشيار شوم  
آن مست نبوده ام که بيدار شوم  
يك جام تجلی جمال تو بس است  
تا از عدم و وجود بيزار شوم

Зи он бода нахўрдаам, ки хушёр шавам,

Он маст набудаам, ки бедор шавам.

Як чоми тажаллии чамоли ту бас аст,

То азадаму вужуд безор шавам [9:35].

Мазмуни:

Ул бодадан ичмадимким хушёр бўлсам,

Ул маст эмасманки бедор бўлсам.

Сенинг жамолинг тажаллисининг бир жоми етарлидир,

Токим адаму вужуддан безор бўлсам.

Нажмиддин Кубронинг бу рубойидаги бода – шароб илоҳий файз, нурни англатади. Бу бодани қалб жомига тўлдирган ошиқ илоҳий ишқда маст бўлади. Нажмиддин Кубро фикрича, илоҳий ишқ бодасидан маст бўлган ошиқ хушёр бўлмайди. Илоҳий жамолнинг тажаллийси натижасида у борлик ва йўқликдан безор бўлади. Ошиқ учун фақатгина Оллоҳ жамоли керакдир.

Адам тушунчаси йўқлик маъносини билдиради. Қуръони каримдаги кунфаякун ояти амрига кўра биз билган ва билмаган, кўрган ва кўрмаган борлик адамдан, яъни йўқликдан пайдо бўлган. Рубойидаги адаму вужуд борлиқу йўқлик бирлигини англатади. Оллоҳнинг жамоли тажалли этган ошиқ учун бу нарсалар тўғрисида фикр юритиш оғир, унга Ҳақнинг жамоли ва висоли бўлса бўлади.

“Жамолинг менга бас” асарида Нажмиддин Кубронинг юқоридаги рубойиси қуйидагича таржима этилган:

Ул бодани бер, ғам мени хушёр этмиш,  
Маст бўлмасам, айт, не мени бедор этмиш.  
Бер жоми тажаллийингни бир, шул басдир,  
Йўқлиғу борлиғ мени безор этмиш [9:34].

Бизни фикримизча, таржиманинг биринчи ва иккинчи қаторларида асл мақсад очилмаган. Аммо охириги қаторларда тажаллининг мазмун-моҳияти тўғри ёритилган.

Эргаш Очилов Нажмиддин Кубронинг юқоридаги рубойисини ўз асарида 7 рақам билан киритиб, қуйидагича таржима этган:

Ул бодани ичмадимки, хушёр ўлсам,  
Ул маст эмасман яна бедор ўлсам.  
Тарк этсам адам бирла вужудни тонг йўқ,  
Бир жилвайи ҳуснинг ила хуммор ўлсам[7:104].

Эргаш Очиловнинг таржималарида рубойий биринчи ва иккинчи қаторларининг мазмуни тўғри ёритилган. Аммо учинчи қаторда адам тушунчасини таржимон, бизнинг фикримизча, нотўғри изоҳлаган. Таржимон фикрича, тасаввуф фалсафасига кўра у дунё – ҳақиқий олам, борлик, бу дунё-ўткинчи, йўқлик. Шу жиҳатдан рубойидаги адам тушунчаси мавжуд дунё маъносида келаяпти. Ҳолбуки адам йўқлик, вужуд борлик бўлиб, тажалли шаробидан ичган ошиқ учун адам-йўқлик ва вужуд борлик бирдай бўлиб, улардан безор бўлади ва Оллоҳ жамолини кўришни истайди.

**Натижалар.** “Рубойети Хожа Нақшбанд” асаридаги 78 рақамли рубойида Баҳоуддин Нақшбанд тажалли тушунчасини қуйидагича ёритган.

هر باده که از حضرت الله دهند  
بی منت شافی سحرگاه دهند  
خواهی که کمال معرفت دریابی  
دهنداز خود بگذر تا بخودت راه

Ҳар бода, ки аз ҳазрати Оллоҳ диҳанд,  
Беминнати шофӣ саҳаргоҳ диҳанд.

Хоҳе, ки камоли маърифат дарёбӣ,  
Аз худ бигузар, то ба худат роҳ диҳанд [1:120].

Мазмуни:

Ҳазрат Оллоҳдан ҳар бодаким бермишлар,  
Тонг шофеийсининг миннатсиз бермишлар.  
Маърифат камолини топмоқ истасанг,  
Ўзингдан ўтгин, токим ўзингга йўл топарсан.

Баҳоуддин Нақшбанднинг бу рубойларида илоҳий тажалли Оллоҳ мадади билан бўлиши кўрсатилмоқда. Нажмиддин Кубро ғоясидан фарқли тажалли нуридан файзидан баҳраманд бўлган ориф маърифат йўлини танлайди. У вужудидаги нафсоний истаклар устидан ғолиб чиқиб, Оллоҳ жамолини кўришга муяссар қиладиган йўлни топа олади. Нақшбандия таълимотидаги бу йўл ҳушёрлик йўлидир[24].

Баҳоуддин Нақшбанднинг “Рубоиёти Хожа Нақшбанд” асаридаги 79 рақамли рубойида ҳам тажалли тушунчаси қуйидагича ёритилган.

دو چشم پور نم بهتر از خون دلم  
در عیش و نشاط اندوه غم بهتر  
یک لحظه حضور دل به درگاه خدا  
از سلطنت تمام عالم بهتر

Аз хуни дилам ду чашми пурнам беҳтар,

Дар айшу нишо тандуху ғам беҳтар.

Як лаҳза ҳузури дил ба даргоҳи Худо,

Аз салтанати тамоми олам беҳтар[1:121].

Тасаввуфшунос олим Сайфиддин Сайфуллоҳ маълумот беришича, бу рубойни Нақшбандия таълимоти толиблари аср намозидан сўнг тасбиҳ, тиловат ва дуолардан кейин ихтиёрий равишда 5 марта ўқиганлар. Сайфиддин Сайфуллоҳ бу рубойни қуйидагича таржима этган:

Юракдаги қонимдан кўздаги нам яхшироқ,  
Ҳам айшу ишратдан, меҳнату ғам яхшироқ.  
Ҳузури дил ила турмоқ Яратган даргоҳида,  
Тамоми борлик, олам давлатидан яхшироқ [27:15].

Баҳоуддин Нақшбанднинг бу рубойида маълум бўладики, Оллоҳнинг даргоҳидан келадиган тажалли файз ва нурларини ҳузури дил, яъни воқиғлик билан қабул қилиш барча неъматлардан афзал экан. Бу рубой ҳам Нақшбандия таълимоти тажаллини орифона тушунтиришини англатмоқда. Бу ғоя Баҳоуддин Нақшбанднинг “Вуқуфи қалбий” – “Қалбдан огоҳлик, воқиғлик” тамойилига уйғундир.

### **Хулоса.**

Юқоридаги рубойларнинг таҳлили асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Нажмиддин Кубро тажаллини ошиқона, фано бўлиш мазмун-моҳияти билан ёритган.

2. Баҳоуддин Нақшбанд тажаллини орифона изоҳлаб, маърифатли бўлиш босқичи сифатида тушунтирган.
3. Тажалли асосий тасаввуфий-фалсафий тушунча бўлиб, ишқ йўлидаги ошиқлар ва маърифат йўлидаги орифлар учун ўзига хос мазмун-моҳият касб этади.
4. Нақшбандия таълимотидаги хушёрлик йўли илоҳий моҳият тажаллисини мақбул инъикос этади. Бу таълимотдан Янги Ўзбекистонда маърифатли жамият куриш учун фойдаланиш яхши самара беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. باعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۹۹۸ ۱۸۴ صحيفه.
2. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Махмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 335 б.
3. Баҳоуддин Нақшбанд. Рубойилар. Бухоро: “Дурдона” нашриёти, 2023 – 84 б.
4. Баҳоуддин Нақшбанд. (Манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи. Г. Н. Наврўзова. Т.: “Sano standart” нашриёти, 2019. 256 б.
5. Баҳоуддин Нақшбанд. Ҳикматли сўзлар. Bahouddin Nakshband. Words of wisdom. Ҳикматли сўзларни тўпловчи ва мақолалар муаллифи. Г. Н. Наврўзова, Ҳикматли сўзларни инглиз тилига таржима этувчи З. Расулов. “Sadriiddin Salim Buxoriy”. “Durдона”nashriyoti. 2020. 52 б.
6. Бертельс Е.Э. Четверостишия Шейха Нажм ад-Дина Кубра // Суфизим и суфийская литература. Москва: 1965 С.324-328
7. Донишмандлар тухфаси. Рубойилар. Тошкент: “O’zbekiston“, 2009.101-107
8. Нажмиддин Кубро. Рубойилар (Ж.Камол таржимаси) // 333 рубойи Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.49-53-бетлар
9. Нажмиддин Кубро. Жамолинг менга бас. Рубойилар // Форсийдан М.Абдулҳаким таржимаси // Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994.64 б
10. Наврўзова Г.Н. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Тошкент: Фан, 2005. – 233 б.
11. Наврўзова Г.Н. Нақшбандия – камолот йўли. – Тошкент: Фан, 2007. – 189 б.
12. Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд. (Рисола). Т.: “ABU MATBUOT-KONSALT” нашриёти, 2011. 24 б.
13. Наврўзова Г.Н. Абдулҳолиқ Ғиждувоний. Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро маркази” нашриёти, 2020.108 б
14. Наврўзова Г.Н. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий мероси. – Т.: Фан, 2021. – 244 б.
15. Navruzova G.N. Bahauddin Naqshband – the seventh pir of Bukharai Sharif (Noble Bukhara). Islom tafakkuri (Maxsus son), 2020. 5-8-б.